

Оят сўзининг бир неча маънолари бор:

1. Белги, аломат;

Аллох таоло айтади: «Ерда ва ўзларингизда оят-аломатлар бордир. Ахир, кўрмайсизларми?!» (Зориёт, 20-21).

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан килинган машхур хадисда: «Мунофикнинг ояти – белгиси учта: ёлгон гапиради, ваъда берса, бажармайди ва омонатга хиёнат килади», дейилган.

2. Ибрат;

Аллох таоло Фиръавнга хитобан шундай деган: «Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят – ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни куткарамыз. Албатта, кўп кишилар Бизнинг оятларимиздан гофилдирлар (яъни ибрат олмайдилар)» (Юнус, 92).

3. Далил, хужжат;

Аллох таоло айтади: «Осмонлару Ернинг яратилиши ва тилларингиз ҳамда ранглларингизнинг турлича бўлиши Унинг оят-далиллариандир» (Рум, 22).

4. Мўъжиза;

Аллох таоло айтади: «(Эй Мухаммад,) бани Исроилдан сўранг, уларга канча очик-ойдин оят – мўъжиза берган эканмиз» (Бакара, 211).

5. Ажойиб нарса;

6. Баланд уй;

Худ (алайхиссалом) Од кавмига шундай деган: «Сизлар хар бир тепаликка оят – баланд бино кураверасизларми?» (Шуаро, 128).

7. Жамоат;

8. Куръон ояти.

Аллох таоло айтади: «Қачон Биз бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак – холбуки, Аллох Ўзи нозил киладиган оятларни яхшироқ билувчидир – улар (Пайгамбарга): «Сен ўзинг тўкиб олгансан!» дейдилар. Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар» (Нахл, 101).

Уламолар таърифига кўра, Куръон ояти сура таркибига кирувчи, бошланиши ва тугаши белгили бўлган сўзлар жамламасидир. Куръони каримда «оят» сўзининг хар бир маъносига мисоллар бор. Куръон ояти деганда ҳам бу маънолар ирода килинади. Яъни Куръони Каримнинг хар бир ояти мўъжиза, у инсонни лол колдиради, ожиз колдиради. Инсон Куръон оятини тўлик идрок килишга, унга ўхшаш оят келтиришга ожиздир. Шунингдек, Куръон ояти Аллохнинг ягоналиги, У Зотдан ўзга илох йўклиги, Унинг Ўзигина ибодатга энг муносиб Зотлигига далолат килади. Колаверса, Куръони Каримнинг хар бир харфи бир неча сўзлар жамланмасидан, сўзлар туркумидан ташкил топган.

«Оят» сўзи Куръони Каримда бир жойда барча маъноларида, бошқа жойда бир ёки икки-уч маъносида келиши мумкин.

Куръони Каримдаги энг биринчи нозил бўлган оят Алак сурасининг аввалги беш оятидир. Энг охириги нозил бўлган оят Бакара сурасининг 281-оятидир. Унда: «Ва барчаларингиз Аллохга кайтариладиган кундан кўркинлар! Сўнгра хар бир жон килган амали учун тўла олади ва ҳеч кимга зулм килинмайди», дейилган.

Куръони Каримдаги энг киска оят Ёсин сураси ва «Хаа миим» билан бошланувчи сураларнинг биринчи оятидир. Ушбу оятлар икки харфдан иборат («Йаа» ва «син» ҳамда «Хаа» ва «миим»). Энг узун оят Бакара сурасидаги карз хакидаги 282-оят бўлиб, у тўлик

бир саҳифани ташкил килади.

Ривоятларда келишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳар бир оятда тўхтаб, кейин бошқа оятни ўқирдилар. У Зот Куръонни шошилмасдан, тадаббур билан кироат килардилар.